

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
3-курс 314-гуруҳ курсантлари  
**Ж.П.Ахматов**  
**Д.О.Исроилова**

**Аннотация.** Мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид илмий назарияларнинг илмий-амалий аҳамиятини ёритиш мақсад қилиб олинган. Бунинг учун криминология фанида жиноятчилик сабаблари назариялари сифатида илгари сурилган ижтимоий, ижтимоий-психологик, психологик ва ижтимоий-биологик йўналиш назариялари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган ва моҳияти очиб берилган. Бу борада биринчилардан бўлиб, ушбу назарияларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига мутаносиб илмий-назарий асосларни шакллантириш бўйича илмий хулоса ва тавсиялар илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** жиноятчилик сабаблари назариялари, ижтимоий йўналиш назарияси, ижтимоий-психологик йўналиш назарияси, психологик йўналиш назарияси, ижтимоий-биологик йўналиш назарияси.

**Аннотация.** В статье освещено научно-практическое значение научных теорий профилактики правонарушений. С научно-практической точки зрения анализируются и раскрываются сущность теорий социальной, социально-психологической, психологической и социально-биологической направленности, выдвинутых в науке криминологии в качестве теорий причин преступности. Выдвинуты научные выводы и рекомендации по исследованию этих теорий с точки зрения науки профилактики правонарушений и формированию пропорциональных научно-теоретических основ профилактики правонарушений.

**Ключевые слова:** теории причинности преступности, теория социальной ориентации, теория социально-психологической ориентации, теория психологической ориентации, теория социально-биологической ориентации.

**Annotation.** The article aims to highlight the scientific and practical significance of scientific theories of crime prevention. For this purpose, from a scientific and practical point of view, the essences of the theories of social, socio-psychological, psychological and socio-biological orientation put forward in the science of criminology as theories of the causes of crime are analyzed and revealed. In this regard, one of the first scientific conclusions and recommendations were put forward for the study of these theories from the point of view of the science of crime prevention and the formation of proportional scientific and theoretical foundations of crime prevention.

**Keywords:** theories of crime causality, theory of social orientation, theory of socio-psychological orientation, theory of psychological orientation, theory of socio-biological orientation.

Ҳуқуқбузарликларга қарши кураш соҳасидаги энг муҳим самарали ва инсонпарвар йўналишлардан бири–ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳисобланади. Шу боисдан барча даврда жиноятчилик, унинг салбий оқибатлари, уларни олдини олиш ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалар сифатида инсоният олдида кўндаланг турган. Чунки америкалик криминолог Танненбаум таъкидлаганидек, “Жиноят ҳам. жамият каби абадийдир. Мавжуд бўлмаган утопиядан ташқари жиноятнийўқ қилиб бўлмайди, деган фактларга дуч келган маъқул. Жиноят – касаллик, телбалик ва ўлим каби абадий ҳодиса”. Бу хулоса, худди ҳукм сингари, собиқ Иттифок криминологлари томонидан капиталистик жамиятга эълон қилинган. Чунки улар жиноятни тарихий шартли, яъни вақтинчалик ҳодиса, бошқача қилиб айтганда, у синфий жамиятдан бошланиб, синфсиз коммунистик жамият қурилиши билан ўзи тугаб, йўқ бўлиб кетади, ижтимоий тенглик ва ортиқча маҳсулотни адолатли тақсимлаш жиноятга даъво бўлади, деб тушунишган.

Бироқ шунга қарамасдан жиноятчиликнинг сабабларини ўрганиш бўйича бир қатор назариялар шаклланган. Ушбу назариялар жиноятларнинг нафақат сабаб ва шарт-шароитларининг келиб чиқишини ўрганиш, балки жиноятчи шахсининг шахси билан боғлиқ масалаларнинг моҳиятини очишга ҳам хизмат қилган. Бу каби назариялар таҳлил қилинганида, улар қуйидаги тўрт йўналишга бўлиб ўрганилган: и ж т и м о и й й ў н а л и ш назарияси; ижтимоий-психологик йўналиш назарияси; психологик йўналиш назарияси; ижтимоий-биологик йўналиш назарияси. Келтириб ўтилган назариялар криминология фанидан алоҳида ажралиб чиққан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фанининг ривожланиши, амалиётнинг самарали ташкил этилишида муҳим ўрин тутаяди. Чунки Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчасига берилган таърифда қайд этиб ўтилганидек, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг аниқланиши ва бартараф этилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг негизини ташкил этади. Аслида “назария” – маълум бир предмет соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, гипотезалар, ғояларни муайян тизимга солиб, у ҳақда яхлит тасаввур ҳосил қиладиган, янги фундаментал умумлашмалар яратишга олиб келадиган, шу соҳадаги ҳодисаларни тушунтириш, олдиндан кўриш имконини берадиган ишончли билимдан иборат ҳисобланади. Шу боисдан юқорида таъкидланган назарияларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ўрни ва аҳамиятини қуйидагиларда кўриш мумкин. Ижтимоий йўналиш назариясининг намояндалари жиноятчиликнинг сабабларини онг билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса, воқеа ва жараёнлар билан тушунтиради. Ушбу йўналиш тарафдорлари ўртасида ҳам қуйидагича бўлинишлар кузатилади. В.С. Афанесьев, Я. И. Глинский, И.А. Исмаилов, П.П. Осипов, В.В. Ореховлар ижтимоий-иқтисодий ҳодиса, воқеа ва жараёнларни жиноятчиликнинг умумий сабаблари сифатида тушунтиришса, Ю.Д. Блувштейн, В.А. Номоконов, Э.Э. Раска, А.И. Спридинов, А. М. Яковлеклар эса алоҳида турдаги ёки гуруҳ жиноятларнинг ёхуд муайян бир жиноятнинг сабаблари этиб ҳисоблайди. Ушбу масалага аниқлик киритилса В.С. Афанесьев, Я.И. Глинский,

В.С. Жербин, И.А. Исмаилов, П.Н. Лебидов, Н.С. Малеин, В.В. Орехов, П.П. Осиповлар жиноятчиликнинг сабабларини иқтисодий, бошқа бир гуруҳ олимлар (Ю.Д. Блувштейн, У.С. Джекебаев, В.А. Номоконов, Э.Э. Раска, А.И. Спридинов, А.М. Яковлеклар) эса ижтимоий воқеа ва жараёнлар билан тушунтирганлигини билиб олиш мумкин. Агарда янада аниқлаштириладиган бўлса, жиноятчиликнинг бирламчи сабаблари сифатида И.А. Исмаилов ва П.П.Осиповлар ишлаб чиқариш кучларининг етарли даражада ривожланмаганлигини, В.С. Жербин иқтисодий соҳадаги қарамақаршиликларни, С.С. Сидиров ва В.В. Ястребев турли қарама-қаршиликларнинг салбий кўринишларини, В.В. Орехов моддий ва ижтимоий тенгсизликни, Ю.Д. Блувштейн, Э.Э. Раска ва А.М. Яковлеклар жамият ҳаётий фаолиятидаги бузилишларни ва Я.И. Глинский жамиятда қарама-қаршиликларнинг мавжудлигини келтириб ўтишганлигини билиб олиш мумкин. Ушбу қарашлар олимларнинг илмийтадқиқот ишларида илмий асосланган ва ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини деярли йўқотмаган. Буни Биринчи Президент И.А. Каримовнинг асарида келтирилган “ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик номақбул ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муҳитдагина илдиз отиши мумкин” мазмундаги фикрда ҳам кузатиш мумкин. Шу сингари фикрлар ижтимоий тармоқларда ҳам кўплаб учрайди. Бу ф а қ а т г и н а а ҳ о л и о р а с и д а шаклланган шунчаки фикр ва қарашлар эмас, айнан шу ёндашувга асосланиб мамлакатимиз жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати доирасида амалга оширилаётган профилактик чоралар ва қабул қилинаётган қарорлар ҳам мавжуд. Бунга мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, ижтимоий тафовутларни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ моддий бойликларни адолатли тақсимлашга қаратилган “ижтимоий давлат” давлат модели ишлаб чиқилиб, ижтимоий ҳаётга тадбиқ этилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Энг муҳими, охириги беш-олти йилда ижтимоий давлатнинг асосий талаблари амалда қўлланилди. “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси” IV бобида “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, мазкур стратегиянинг 43 та мақсади бевосита ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасини кўтаришга қаратилган. Буларнинг барчаси жамиятда турли қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва бунга йўл қўймаслик, шунингдек ижтимоий адолат ва тенгликни таъминлашга йўналтирилган. Бу эса, албатта, ўз ўрнида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини кафолатлайди. Гарчи Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчасига берилган таърифда “.профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими” мазмунидаги изоҳлар баён этилган бўлса-да, бироқ ижтимоий чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти на норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва на илмий ёки ўқув адабиётларида етарлича очиқ берилмаган, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётида эса, ижтимоий чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширишда пухта ўйланган стратегик ва тактик ёндашувлар мавжуд эмас. Зеро, бу ёндашув жамиятда

хуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан ижтимоий профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг қатъий, принципиал ва мақсадли амалга оширилиши ва натижадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боисдан жиноятларнинг сабаблари назариясини хуқуқбузарликлар профилактикаси нуқтаи назардан тадқиқ этиш ва илмий-назарий асосларини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Криминологияда жиноятчилик сабабларини тушунтиришдаги ижтимоий-психологик йўналиш назарияси энг кўп тарқалган ва жиноятчилик сабабларини тушунтириб беришда бошқа йўналишларга нисбатан кўпроқ вакилларни ўзида бирлаштиради. Ушбу йўналиш намояндалари иноятчиликнинг сабабларини ижтимоий борлик (турмуш) ва онг билан боғлиқ бўлган ижтимоий ва психологик воқеа, ҳодиса ва жараёнлар асосида тушунтириб беришади. Улар жамиятдаги жиноятчилик сабаблари фақатгина иқтисодий ва ижтимоий ҳодиса, воқеа ва жараёнларгина эмас, балки уларни белгилаб берувчи, улар билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий онг соҳасидаги ҳодиса, воқеа ва жараёнлар ҳам ҳисобланади деб таъкидлашади. Ижтимоий ва ижтимоий-психологик йўналиш назариялари бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлса-да, бироқ улар сабабларнинг онг билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, ижтимоий сабаблар объектив сабаб ҳисобланишса, ижтимоий-психологик сабаблар субъектив ҳисобланади. Ижтимоий психологик сабаблар жамият аъзоларининг бошқа аъзоларига нисбатан психологик таъсир кўрсатилишида намоён бўлади. Бугун дунёда ахборот хуружлари авж олаётган бир пайтда ушбу йўналиш назариясининг аҳамияти ва долзарблиги янада ошади. Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида, давлат аппаратига нисбатан турли кучлар томонидан таъсир қилиш, муайян талабларини бажартириш мақсадида ахборот хуружлари ташкил қилинган. Бундай ахборот хуружлари юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, миллий тараққиёт сари амалга оширилаётган ислохотларга қарши қаратилган ҳаракатлар билан изоҳланади. Буюк сиёсий арбоб И.А. Каримовнинг “Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, “ахборот асри” деб ном олган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда, аҳвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди, бундай таҳдидларга жавобан, биз ҳам, содда бўлмасдан, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак” мазмундаги сўзларини доимо ёдда тутиш лозим ҳисобланади. Бу борада ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучайиб бораётганлигига эътибор қаратган Президент Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида “Ахборот ресурслари орқали тарқатилаётган бузғунчи ғояларнинг олдини олиш мақсадида хуқуқни муҳофаза қилиш органлари таркибида алоҳида бўлинмалар ташкил этиш зарур” мазмундаги фикрларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Жиноятчилик сабабларини тушунтиришга йўналтирилган психологик йўналиш психологик омиллар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бундан аввалги ижтимоий-психологик йўналишга ўхшаш ва яқин бўлса-да, аммо сабабларнинг келиб чиқиш ва таъсир кўрсатиш манбаи билан ажралиб туради. Ижтимоий-психологик йўналишда сабаблар муайян жамият аъзолари (алоҳида шахс ёки гуруҳ)нинг муайян шахс, гуруҳ ёки омма (аҳоли)га кўрсатиладиган психологик таъсирларда кўринса,

психологик йўналишда сабаб ҳуқуқбузар ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахснинг онгидаги маънавийруҳий бузилишлар билан бўлади. Ушбу йўналиш тарафдорлари жиноятнинг сабабини инсон онги билан боғлашади, ондан ташқаридаги барча ҳодиса, воқеа ва жараёнларни жиноятчиликнинг шароитлари деб ҳисоблайди. Одатда руҳий бузилишларга шахслар тоифаси, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш, бесоқолбозлик, ўғирлик, фирибгарлик каби жиноятларни содир этади. Шахс руҳияти билан боғлиқ ҳолда содир этил адиган жиноятларда шахснинг темпераментлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Мисол учун, Г.Айзенк сўровномаси асосида террорчи шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари, яъни темпераменти ўрганилганда террорчилик актларининг 46 % ини холериклар, 32 % ини сангвиниклар, 12 % ини меланхоликлар, 10 % ини флегматиклар содир этганлиги кузатилган. Бу борада темпераментдан ташқари руҳий аномалиялар ҳам жиноят содир этишда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотларга кўра, жами жиноят содир этган шахслар орасида руҳий аномалияларга чалинган шахслар тахминан 70 % ини ташкил қилади. Руҳий аномалия ҳолатида шахслар томонидан жисмоний куч ишлатиш (одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш) ва безорилик жиноятлари содир этилган. Масалан, ақли расо деб тан олинган ва одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш жиноятларини содир этган вояга етмаганлар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказилганда уларнинг ҳар беш нафаридан уч нафарида ақли расо бўлган ҳолда ўз жиноий қилмишларига йўл очувчи турли аномалия ҳолатлари борлиги аниқланган. Юридик психологияга оид адабиётларни таҳлил қилиш ҳам жиноятчи психологиясини ўрганиш масалаларига катта эътиборқаратилгани ва қаратилаётганидан далолат беради (Буни А.Р. Ратинов, К.Е. Игошев, В.В. Глазирин, А.В. Дулов, В.Л. Васильев каби олимларнинг асарларида кўриш мумкин). Юқорида ўрганилган “ижтимоий” ва “ижтимоий-психологик” йўналишлар бўйича илгари суриладиган илмий хулосалар ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва манзилли амалга оширилишини кафолатласа, “психологик” йўналишда илгари сурилган ғоя ва билимлар ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чоратадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва бу борада профилактиктаъсирчанликка эришишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Жиноятчилик сабабларини тушунтириш и ш д а г и и ж т и м о и й - б и о л о г и к йўналиш тарафдорлари: Ю.М. Антонян, Ю.А. Демидов, В.Н. Емельянов, Б.Д. Овчинников, И.С. Ной жиноятчиликнинг сабабларини инсондаги биологик, қолаверса психологик хусусиятлар билан тушунтиришга ҳаракат қилишади. Бунда инсон танасидаги биофизиологик ўзгаришларнинг ундаги руҳиятга таъсири ва шу таъсир остида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши тадқиқ этилади. Натижада, ҳуқуқбузарликнинг содир этилишида инсон танасидаги биофизиологик ўзгаришларнинг руҳиятга таъсири сабаб сифатида эътироф этилади. XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланиб, ривожланган ҳамда криминология фанининг назарий асослари бойитилишига жуда катта ҳисса қўшган ҳамда жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини илмий асослаб берган ижтимоий, ижтимоий психологик, психологик ва ижтимоий-биологик йўналиш назариялари бугунги кунда ҳам ўзининг қийматини

йўқотмаган. Аксинча, янада долзарблик аҳамият касб этмоқда. Чунки, ушбу назариялар доирасида келтирилган фактлар, илмий хулоса ва тавсиялар жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан ижтимоийпрофилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларнинг манзилли ва таъсирчан амалга ошириш ҳамда натижадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боисдан қуйидагиларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади: биринчиси, жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини илмий асослаган ҳамда криминология фани назариясининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган ижтимоий, ижтимоий психологик, психологик ҳамда ижтимоий-биологик йўналиш назарияларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фани нуктаи назаридан тадқиқ этиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига мутаносиб илмий-назарий асосларни шакллантириш; иккинчиси, психология ва тиббиёт фанлари доирасида инсондаги психологик ва биологик омилларнинг жиноят содир этилишидаги роли билан боғлиқ ҳолатлар бўйича илмий изланишлар олиб бориш, бу борада самарали профилактик чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишига доир илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш; учинчиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий концепцияларни ривожлантиришга йўналтирилган янги илмий ғояларни илгари суриш, ушбу ғояларнинг ҳимоя қилиниши ва амалиётга жорий қилинишини таъминлаш учун ИИВ Академиясида илмий мактаблар яратиш чораларини кўриш; тўртинчиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этишга йўналтирилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг хусусиятлари, ўзига хосликлари ва қонуниятларини аниқлаш, назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш, олинган билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш учун давлат буюртмаларини шакллантириш ва ушбу буюртмаларнинг бажарилиши бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Блувштейн Ю.Д., Зырин М.И., Романов В.В. Профилактика преступлений. – Минск, 1986. – С. 7.
2. Евгений С.Ж. Сущность общесоциального предупреждения преступности: прошлое и настоящее (критический взгляд криминолога) // Юридические науки. – М., 2018. – № 4. – С. 103.
3. Зарипов З., Исмаилов И. Криминологи (Умумий қисм). Дарслик // Юридик фанлар доктори, профессор А. Абдумажидов таҳрири остида. – Т., 1996, – Б. 56–59. (– 227 б.)
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонун // URL: <https://www.lex.uz/uz/docs/2387357> (15.05.2022 йилда мурожаат қилинган).

5. Муаммо. Гипотеза. Назария. // URL: <https://elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqil-ishkurs-ishi/item/13846-2021-07-13-07-18-30> (15.05.2022 йилда мурожаат қилинган).
6. Зарипов З., Исмаилов И. Криминологи (Умумий қисм). Дарслик // Юридик фанлар доктори, профессор А. Абдумажидов таҳрири остида. – Т., 1996. – Б. 56–59. (– 227 б.)
7. Зарипов З., Исмаилов И. Криминологи (Умумий қисм). Дарслик // Юридик фанлар доктори, профессор А. Абдумажидов таҳрири остида. – Т., 1996. – Б. 56–59. (– 227 б.)
8. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т., 1996. – Б.147.
9. Бобокулов Ҳ. Эгри йўлга бош қўшганлар ёхуд босқинчи гуруҳнинг кирдикорлари хусусида // URL: <https://sud.uz/2704-2/> (15.05.2022 йилда мурожаат қилинган); Бабабекова М. Аёл жиноятга қўл урса... // URL: <https://adolat.uz/news/ayol-zhinoyatga-qol-ursa> (15.05.2022 йилда мурожаат қилинган); Тожибоев Д. (жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг раиси) Газаб, нафрат ва рашк аёлни жиноят кўчасига бошлади // URL: <https://m.kun.uz/news/2018/12/23/gazab-nafrat-va-rashkayolni-jinoyat-kochasiga-boshladi> (15.05.2022 йилда мурожаат қилинган). Шакарова М. (“Оила” ИАТ маркази Бухоро вилоят бошқармаси бош мутахассиси). Қандай болалар зўравон бўлиб улғаяди? // URL: <https://hidoyat.uz/31126> (15.05.2022 йилда мурожаат қилинган).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5841063> (25.05.2022 йилда мурожаат қилинган).
11. Зарипов З., Исмаилов И. Криминологи (Умумий қисм). Дарслик // Юридик фанлар доктори, профессор А. Абдумажидов таҳрири остида. – Т., 1996. – Б. 56–59. (– 227 б.)
12. Алексеев А.И. Итоги и прогнозы // Советская милиция. – М., 1990. – № 5; Бабаев М.М., Шляпочников А.С. Экономические факторы в механизме преступного поведения // Сов. гос. и право. – 1979. – № 2; Долгова А.И. Социально-психологические аспекты преступности несовершеннолетних. – М., 1979., Карпец И.И., Кудрявцев В.Н. Генетика. Поведение. Ответственность. – М., 1982; Ковалев М.Н. Основы криминологии. – М., 1970, Коган В.М. Социальный механизм уголовно-правового

- воздействия. – М., 1968, Сахаров А.Б., Саркисов Р.С., Проблема преступности в современных условиях. – Ереван, 1991; Кудрявцев В.Н. Социальное отклонение. – М., 1989.
13. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т., 2009. – Б. 12–13.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. – 2017. – 22 дек.
15. Зарипов З., Исмаилов И. Криминологи (Умумий қисм). Дарслик // Юридик фанлар доктори, профессор А. Абдумажидов таҳрири остида. – Т., 1996. – Б. 58. (– 227 б.).
16. Душанов Р. Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўқув қўлланма / Р. Х. Душанов. – Т., 2011. – Б. 41. (72 б.).
17. Душанов Р. Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўқув қўлланма / Р. Х. Душанов. – Т., 2011. – Б. 9. (72 б.).
18. Антонян Ю.М., Голубеев В.И., Кудряков Ю.Н., Личность корыстного преступника. – Томск, 1989; Емельянов В.Н. Преступность несовершеннолетних с психическими аномалиями. – Саратов, 1980; Овчинников Б.Д. Вопросы теории криминологии. – Ленинград, 1982; Ной И.С. Методические проблемы советской криминологии. – Саратов, 1975.